SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

XDP — XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI — O‘ZBEKISTON

• 2017-yil, 31-oktabr. Seshanba • 130 (32.345) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг бориши, истиқболли лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 октябрь куни Тошкент шаҳри туманларида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари Tashkent City халқаро бизнес маркази лойиҳаси билан танишди.

Мазкур замонавий комплекс пойтахтимизнинг Алишер Навоий, Олмазор, Ислом Каримов ва Фурқат кўчалари оралиғидаги 80 гектар ҳудудда барпо этилади. Лойиҳага мувофиқ Tashkent Cityда бизнес марказлар, савдо мажмуалари, меҳмонхоналар, офислар, конгресс-холл, кўргазма заллари, кўп қаватли замонавий уйлар, ресторанлар, сунъий кўл, фавворалар ва бошқа объектлар қурилади.

Бу ҳақда 2017 йил 28 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг марказий қисмини ободонлаштириш ва архитектуравий қиёфасини янада яхшилаш ҳамда аҳоли ва пойтахт меҳмонлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Мазкур ҳужжат асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Tashkent City халқаро бизнес маркази ҳудудидаги объектларни қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича дирекция тузилган.

Ҳозирги кунда ҳудудни қурилишга тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда. Марказни лойиҳалаштириш ва қуришга мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг етакчи лойиҳа институтлари, қурилиш компаниялари жалб этилмоқда. Чет эл инвесторлари мазкур замонавий лойиҳани амалга оширишда иштирок этишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Президентимиз қурилиш участкасида ушбу замонавий марказ лойиҳалари ва режалари билан танишди. Буюртмачи ва қурувчилар олдида турган вазифалар, ташкилий ва молиявий масалаларни муҳокама қилди. Лойиҳаларни такомиллаштириш, қурилишни тезлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Кичик ҳалқа йўли ва Фарғона йўли кесишган жойда қурилган йўл ўтказгични бориб кўрди.

Илгари пойтахтимизнинг марказидан Фарғона йўлига чиқиш ёки аксинча бу йўлдан марказга келиш учун транспорт воситалари ортиқча бир неча километр юришга мажбур бўларди. Давлатимиз раҳбари 25 март куни бу ерда бўлиб, йўл ўтказгични реконструкция қилиш ва унинг бир қисмини янгидан қуриш бўйича топшириқлар берган эди. Яқинда ушбу кўприкнинг фойдаланишга топширилгани ҳайдовчиларга катта қулайлик яратди, ҳаракат хавфсизлигини таъминлади.

Йўл ўтказгичнинг эни 30, узунлиги 346 метр бўлган қисми реконструкция қилинди. Эни 22, узунлиги 281 метр бўлган қисми янгидан барпо этилди. Икки томонида пиёдалар йўлакчалари қурилди.

Президентимиз ушбу йўл ўтказгич одамларга қанчалик манзур бўлгани, транспорт ҳаракати ва хавфсизлигига қандай таъсир кўрсатгани билан қизиқди. Бундай кўприкларни пойтахтимизнинг бошқа жойларида ҳам қуриш, бунда аввало, хавфсизлик талабларига қатъий риоя этиш зарурлигини таъкидлади. Кўприк атрофини ободонлаштириш, пойтахтимиз қиёфасига мос замонавий бинолар қуриш бўйича кўрсатмалар берди. Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институтида кўприксозлик бўйича кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 19-20 май кунлари Туркманистонга ташрифи чоғида Тошкентда Махтумқули номидаги кўча ва буюк туркман шоирига бағишланган меъморий ёдгорлик очилгани, Ашхобод боғини ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилаётганини қайд этган эди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманида қуриб битказилган «Ашхобод сайлгоҳи»да бўлди.

Шавкат Мирзиёев ҳудудларга ташрифи чоғида шаҳар ва қишлоқларимизда яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, инсон саломатлиги ҳамда атроф-муҳит учун фойдали бўлган дарахт ва буталар турини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Бундай боғлар бугун юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий меъморчилик талаблари асосида бунёд этилиб, мавжудлари реконструкция қилинмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури асосида жорий йилда одамларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришига кўмаклашиш, ҳудудларимизни янада обод ва фаровон қилиш мақсадида юзта маданият ва истироҳат боғи, маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал реконструкция қилиш, жиҳозлаш бўйича вазифалар белгиланган.

Туркманистон меъморчилик анъаналари асосида барпо этилган сайлгоҳнинг умумий майдони 10 гектардан ортиқ бўлиб, бу ерда саккизта фаввора қурилди ва уларга рамзий номлар берилди. Боғдаги хушманзара дарахтлар, замонавий ўриндиқлар ва бошқа қулайликлар киши кайфиятини чоғ қилиб, атроф-муҳитга сўлимлик бахш этади.

Мазкур сўлим масканда одамлар бўш вақтларини кўнгилдагидек ўтказиши, сайр қилиб, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча имкониятларни яратиш керак, деди Шавкат Мирзиёев. Мажмуа таркибида икки қаватли савдо дўконлари, умумий овқатланиш шохобчалари, замонавий хизмат кўрсатиш тизими яратилиши лозим.

Сайлгоҳда турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, учрашувлар ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз сайлгоҳ ва унга туташ ҳудудларни янада ободонлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан транспорт-коммуникация соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилиш, йўловчиларга замонавий транспорт хизмати кўрсатишни кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари, пойтахтимизнинг келгуси ривожланиши инобатга олиниб, Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линиясини барпо этиш бўйича ишлар бошлангани бу борадаги ислоҳотларнинг узвий давомидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур қурилиш билан танишди.

Метрополитен энг қулай, хавфсиз, ишончли, экологик тоза транспорт воситаси бўлиб, кундалик ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Таҳлилларга кўра, Тошкент шаҳрида ҳар куни 180-200 минг киши метрополитен хизматидан фойдаланади. Шу кунлари Сергели туманида ер усти метро йўналиши қурилмоқда. Янги ҳалқа метро йўналиши барпо этилиши эса пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларини шаҳарнинг турли туманларига тез, хавфсиз етказиб қўйиш имконини беради. Автоуловлар тирбандлиги камаяди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш жараёнини кўздан кечираркан, замонавий ер усти метро йўналиши бугунги кун талаби эканини таъкидлади.

Умумий узунлиги 52,1 километрдан иборат мазкур метро йўналишининг 50,5 километри баландлиги 6 метрлик эстакадалар орқали ўтказилади, 1,6 километри ер устида қурилади.

2017-2021 йилларга мўлжалланган лойиҳа беш босқичда амалга оширилади. Дастлабки босқичда Тошкент метрополитенининг «Дўстлик» бекатидан Қўйлиқ бозоригача бўлган қисми қурилади. Узунлиги 11 километр бўлган ушбу қисмда саккизта бекат бунёд этилиши мўлжалланмоқда.

Иккинчи босқич Қўйлиқ бозори билан Чилонзор линиясининг «Олмазор» бекатини ўзаро боғлайди. Учинчи босқичда «Олмазор»дан «Беруний» бекатигача бўлган қисм барпо этилади. Кейинги босқичда иншоот «Беруний»дан «Бодомзор» бекатигача қурилади, сўнгги босқичда «Дўстлик» бекатига уланади.

Ҳалқа метро йўли бўйлаб жами ўттиз бешта бекат, юзга яқин эскалатор, учта вагон депоси бунёд этилиши режалаштирилган. Қурилиш жараёнида ҳаракат йўналишини бирорта ҳам иншоот, айниқса, аҳоли хонадонларига зиён етказмасдан ўтказиш ҳисобга олинган бўлиб, бу бунёдкорлик ишларида аҳоли манфаатлари ҳар томонлама инобатга олинганидан далолатдир.

Айни пайтда эстакадалар учун монолит усулда бетон устунлар қуйиш ишлари бажарилмоқда. Бутун ҳалқа йўналишида 2 мингдан зиёд ана шундай устунлар бунёд этилади.

Қурилиш ишлари «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси бунёдкорлари томонидан амалга оширилмоқда.

Ҳар томонлама қулай, арзон ва хавфсиз бўлган мазкур транспорт тармоғи барпо этилиши пойтахтимиз учун улкан иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга, деди Шавкат Мирзиёев. Тошкент шаҳрида транспортга бўлган эҳтиёжни таъминлаш, бу масалага самарали ечим топиш доимий эътибордаги масалалардан. Мазкур лойиҳани амалга оширишда аҳоли учун қулай бўладиган ечимларга таянилди. Натижада метронинг бошқа йўналишлари билан оқилона боғлаш орқали шаҳар транспорти юкламасини енгиллаштиришга олиб келадиган ушбу лойиҳа танланди.

Президентимиз аҳолига қулайлик яратиш мақсадида янги замонавий транспорт линиясини 2020 йилда тўлиқ фойдаланишга топшириш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманидаги «Ватандош» маҳалла фуқаролар йиғинида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлари ва фаоллари билан учрашди. Очиқ мулоқот шаклида ўтган учрашувда коммунал, йўл-транспорт, таълим, тиббиёт, фан-техника соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ва ечимини кутаётган долзарб масалалар хусусида сўз юритилди.

Шавкат Мирзиёев мазкур маҳалладаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дўконида ҳам бўлди ва аҳоли эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар тури ва нархи билан қизиқди.

**ЎзА**

## РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

**2017 йил 2-3 ноябрь кунлари Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Россия делегациясини қабул қилади.

Ташриф доирасида кўп қиррали ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш, уларни аниқ мазмун билан бойитишнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилиш учун ҳукуматлараро музокаралар ўтказилиши режалаштирилган.

Дмитрий Медведев, шунингдек, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этади.








Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

## «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2017»

### Бугун пойтахтимизда кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор лойиҳаларни ўтказиб келмоқда. Уларнинг энг йириги «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловидир. Мазкур танлов ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билими, ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анъанага кўра, кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари ғолиблари ҳамда қанот етакчилари кеча пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди. Дастлаб Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйиш маросими бўлиб ўтди. Унда йигит-қизлар буюк давлат арбоби, истиқлолимиз асосчиси хотирасига ўз эҳтиромини билдиришди.

Иштирокчилар катта ҳаяжон билан кейинги манзил — Олий Мажлис Қонунчилик палатасига йўл олишди. У ерда ёшлар парламент ва Халқ демократик партияси фракцияси фаолияти билан яқиндан танишди. Қонун ижодкорлиги жараёни, парламент назорати ҳамда қўмиталардаги иш жараёни ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ёшлар парламент аъзолари билан учрашувда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш масалалари қай йўсинда ҳал этилаётгани, партия ташкилотлари ва депутатлар қандай амалий ёрдам кўрсатаётгани тўғрисида сўз юритишди.

Эслатиб ўтамиз, танловнинг асосий шартлари бугун Пойтахт бизнес маркази ҳамда Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида бўлиб ўтади.

**Ўз мухбиримиз.**

## САМАРҚАНДДАН ИСТАНБУЛГА ҲАВО КЕМАЛАРИДА

**Жорий йилнинг 30 октябрь куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Самарқанд — Истанбул — Самарқанд» йўналиши бўйича мунтазам ҳаво қатнови илк бор амалга оширилди.**

Самарқанд халқаро аэропортида шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда Самарқанд шаҳар ҳокими Ф.Раҳимов, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бошқарма бошлиғи Н.Аюпов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Туркияга амалга оширган давлат ташрифи давомида мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда, жумладан, фуқаро авиацияси бўйича ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантириш борасида муҳим келишувларга эришилганини алоҳида таъкидлади.

Самарқанддан Истанбулга тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг йўлга қўйилгани ушбу келишувларнинг амалий натижаси сифатида икки мамлакат фуқароларига қулайликлар яратиш, давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қилади.



— Бир неча йилдан буён самарқандлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қиламиз, — дейди туркиялик Меҳмед Оташ Якар. — Шу пайтгача Туркияга Тошкент халқаро аэропорти орқали бориб келардим. Эндиликда Самарқанддан Истанбулга ҳаво кемаси қатновининг жорий этилгани мен каби кўплаб тадбиркорлар учун катта қулайлик бўлди. Бунинг учун давлатларимиз раҳбарларидан миннатдормиз.

Ушбу йўналишдаги парвозлар ҳозирча ҳафтанинг душанба кунида амалга оширилмоқда. Шу йил 16 ноябрдан бошлаб эса пайшанба кунлари ҳам бунга қўшилади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси янги йўналишда йўловчиларга «Airbus A320» ва «Boeing 757» замонавий ҳаво лайнерлари орқали хизмат кўрсатади.

— «Самарқанд — Истанбул — Самарқанд» йўналиши бўйича илк рейснинг йўловчиси эканлигимдан хурсандман, — дейди самарқандлик Азиза Аббосова. — Айниқса, бугунги тантанали маросим том маънода тарихий кун сифатида хотирамизда қолади. Икки қардош халқ ўртасидаги дўстона алоқалар бундан кейин яна ҳам ривожланиши ва мустаҳкамланиши тарафдоримиз.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг саҳнида 180 га яқин йўловчи бўлган «Boeing 757» ҳаво кемаси Самарқанд халқаро аэропортидан Истанбул томон парвозини бошлади ва бу кун миллий авиакомпаниямиз тарихидаги муҳим саналардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

**Ғ.ХАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ: БУЮК ҚАРДОШЛИК ТУЙҒУСИ

***Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги дўстлик, қардошлик, тенглик, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган стратегияси жаҳон жамоатчилиги, халқаро экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Бу мамлакатимиз раҳбарининг ўтган ҳафтада Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг таклифига биноан ушбу мамлакатга давлат ташрифи давомида ҳам ўз исботини топди.***

***Бугунги дунёда баъзан ақл, маърифат эмас, жаҳолатнинг ҳукмронликка интилаётгани, муроса, мулоқот, ҳурмат, музокара сиёсатига ҳар доим ҳам амал қилинмаётгани бутун инсониятни ташвишга солмоқда. Ушбу вазиятда хорижий мамлакатларга нисбатан Ўзбекистон ва унинг раҳбари томонидан олиб борилаётган очиқ ва самимий сиёсат барчанинг эътиборини тортмоқда, халқимизда Ватанимиз келажагига ишончни мустаҳкамламоқда.***

***Президентимиз ташрифи мазкур мамлакат оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилгани туркияликларнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига қардошлик туйғуси юксак эканини яққол кўрсатди. Туркиялик бир гуруҳ илм-фан, адабиёт вакиллари, тадбиркорлар билан боғланганимизда, ушбу ташриф ҳақидаги ўз дил изҳорларини билдиришди. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.***

## «ИНСОННИ ЯШАТГИНКИ, ДАВЛАТ ЯШАСИН»



*Шереф ЙИЛМАЗ, «Темрин» журнали бош муҳаррири, ёзувчи:*

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат ташрифи 20 йиллик танаффусдан кейин амалга оширилди. Унда мамлакатларимиз ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган 30 дан ортиқ битим имзоланди.

Туркия Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ташқи сиёсатида Туркия алоҳида ўрин тутади. Туркий жумҳуриятлар ва Туркия ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликдан охирги йилларда унчалик кўнглимиз тўлмасди. Агар халқлар бир-бирини севмаса, қанча келишувларга эришилмасин, улардан наф келмайди. Халқлар ўртасида қардошлик севгиси мавжуд бўлса, мамлакатлар узра дўстлик кўприклари қурилиши давом этаверади.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги яқин ва самимий алоқалар буюк давлат арбоби Тургут Ўзал даврида ўрнатилган. Бугун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бу алоқаларни янги босқичга кўтариш учун буюк одим ташлади.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, Шавкат Мирзиёев шўро даврида минг бир қийинчилик ва тазйиқлар остида Ўзбекистонга раҳбарлик қилган Шароф Рашидов, Ватанингизни мустақил тараққиёт йўлига олиб чиққан буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов каби ўзбек халқи қалбидан чуқур жой олган. Президент Шавкат Мирзиёев 25-26 октябрь кунлари Туркияга ташрифи билан мамлакатларимиз тарихида янги саҳифа очди.

Икки мамлакат етакчиларининг бир-бирларига кўрсатган самимий, дўстона муносабати, имзоланган кўплаб ҳужжатлар қардошлик алоқаларимиз янги босқичга кўтарилгани рамзидир.

Ушбу воқеалардан икки ҳафта олдин ТИКА кўмаги билан ташкил этилган таълим ва маданият масалаларига бағишланган халқаро илмий конференцияда иштирок этиш учун Самарқанд давлат университетига борган эдик. Анжуман давомида ўзбек олимлари ва мутахассислари билан ўтказилган самимий учрашувлар таъсири ҳалигача қалбимизда. Самарқанд ва Бухородаги саёҳатлардан кейин шундай хулосага келдик: фақатгина Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларидаги обидалар эмас, балки бутун Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг дунё маданий мероси рўйхатига киритилиши лозим. Дунё ўрта асрлар жаҳолатига ботган бир вақтда юксак маданий-маърифий тараққиётга эришган Ўзбекистон замини бугун дунё халқлари ва туркияликлар тарафидан, албатта, зиёрат этилишга лойиқ. Шу нуқтаи назардан, икки мамлакат ўртасида имзоланган туризм соҳасидаги битимлар катта аҳамиятга эга. Турк ҳаво йўллари ширкатининг Истанбул ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри парвозларни йўлга қўйиши ҳам қувончли воқеа бўлди. Бу ҳамкорлик янги келишувлар билан бойитилишидан умидвормиз.

Ўзбекистонга саёҳатимиз давомида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» деган ғоянинг амалдаги исботини кўрдик. Ушбу ҳикмат Усмонийлар салтанати асосчиси, буюк давлат арбоби Усмон Ғозийнинг «Инсонни яшатгинки, давлат яшасин», деган сўзларига жуда уйғун. Демакки, ҳар икки юртда халқ фаровонлигини юксалтириш ўтмишда ҳам бугун ҳам асосий вазифа қилиб қўйилган.

Буларнинг ёнида санъат ва адабиёт намояндаларининг доимий мулоқотини ўрнатиш ҳам вазифамиздир. Сабаби, санъат ва адабиётнинг инсонларга таъсири кучлидир.

Ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги қардошлик алоқалари мамлакатингизда самимий тарзда давом этиб келмоқда. Яқинда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар якуни ўлароқ, бу алоқалар халқларимиз истаган савияда юксалади, деб ўйлайман.

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЧУҚУРЛАШАДИ



*Хайреттин ИВГИН, Дунё сўз академияси президенти:*

— Президентларимиз илмий-техник ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга оид битимни ҳам имзолагани биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Туркияда 186 дан ортиқ давлат ва хусусий университетлар мавжуд, уларда 160 мингдан зиёд профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатади. 7 миллион 198 мингдан ортиқ талаба бакалавриат ва магистратура йўналишларида таълим олмоқда. Бундан ташқари, мамлакатда Турк тили қуруми, Отатурк номидаги олий тил ва тарих қуруми, Туркия Фанлар академияси ва ўнлаб академиялар, кўплаб олимлар илмий-тадқиқот олиб бормоқда.

Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим тизими изчил ривожланмоқда. Ўзбек олимларининг математика, физика, астрономия, биология, тиббиёт, тил, тарих, педагогика фанлари бўйича эришаётган муваффақиятлари дунё миқёсида тан олинган.

Ўзбекистон ва Туркия олий таълим муассасалари ўртасидаги илмий-техник ҳамкорликни жадал ривожлантириш истиқболдаги вазифалардан. Айниқса, умумий тарих, тил, маданият соҳаларида, янги технологиялар ва инновацион технологиялар йўналишида ҳамкорлик икки мамлакат олимлари учун зарур. Дарвоқе, ҳозирданоқ бу борада илк қадамлар қўйилди.

Шу йил 13-14 октябрь кунлари Самарқанд давлат университетида «Ўрта асрларда Самарқанддаги мадрасаи олияларнинг Ислом цивилизацияси ва таълим тизими тараққиётидаги роли» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда ўзбекистонлик ва туркиялик олимлар томонидан юртингиз олий таълим тизими тарихи ҳамда Самарқанддаги мадрасаи олияларнинг Ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси кенг муҳокама этилди. Бундай илмий анжуманлар икки қардош ўлканинг илмий-маданий тараққиётига хизмат қилади. Келгусида Ўзбекистондаги бошқа олий таълим муассасалари билан ҳам ҳамкорликда янги-янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

## «ОТА ЮРТДАГИ ҚАРДОШЛАРИМИЗ»



*Илкер МАДАНИ, Аданадаги «Мадани Баскул» ширкати бошлиғи:*

— Ўзбек ва турк халқларини азалий қардошлик ва дўстлик ришталари боғлаб турибди. Агар тарихга назар ташласак, Ўзбекистон заминидан бундан минг йил илгари Анадўлига кўчган Салжуқий турклари авлодлари Осиё ва Европани туташтириб турувчи ҳудудда Анадўли Салжуқий давлатини, сўнгра Усмонийлар салтанатини қурдилар. 1923 йил 29 октябрда Мустафо Камол Отатурк бошчилигида бугун дунёдаги ўн олтинчи буюк иқтисодиёт, замонавий демократик давлат — Туркия жумҳуриятига асос солинди.

Мустафо Камол Отатурк Марказий Осиёдаги ўзбек ва бошқа халқларни «ота юртдаги қардошларимиз» деб атаган эди. Анадўли ва Туркистон ўртасида «тил бир кўприк, умумий тарих ва маданият бир кўприк» эканини, кунлар келиб ҳақиқий қардошлик кўприклари барпо этилишини башорат қилган эди.

Ўзбекистон Президентининг Туркияга давлат ташрифи икки мамлакатнинг азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлади. Ўзаро мулоқотлар чоғида иқтисоддан туризмгача, таълим, фан, маданиятдан аграр секторгача, саноатдан ҳарбий-техник ҳамкорликкача бўлган соҳаларда 30 дан ортиқ битимга имзо чекилди, турк ишбилармонларига ва энг муҳими, Ўзбекистонни зиёрат этиш орзусида бўлган инсонларга кенг йўл очилди.

Ўзбекистон ота юртимиздир. Боболарим Наманган вилоятидан Анадўлига келиб қолган, бизлар шу ерда туғилиб ўсдик. Юртингизда юз бераётган ўзгариш ва юксалишларни кузатиб, Ўзбекистон эришаётган муваффақиятлардан қувонамиз.

Ишонамизки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифидан кейин қардош мамлакатлар ишбилармонлари Ўзбекистон иқтисодиётини бундан-да юксалтириш йўлида ҳамкорликни кенгайтиради.

## ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ПОРЛОҚ ЮЛДУЗИ



*Доктор Али АКАР, Муғла Сиқи Кочман университети профессори:*

— Халқаро кузатувчилар яқин йилларда Ўзбекистон кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар туфайли изчил тараққий этиши ҳамда ялпи даромади аҳоли жон бошига нисбатан шиддатли суръатларда ўсишини, шу билан бирга, Марказий Осиёнинг порлоқ юлдузи бўлишини башорат қилмоқда.

Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2016 йилда 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Аммо бу мамлакатларимиз имконияти даражасидан анча кам. Бу кўрсаткични бир неча бор ошириш мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги давлатлар орасида нуфузи жиҳатидан катта бўлиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, илм-фан ва бошқа соҳаларда кўп асрлик тажрибага эга.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида қадимдан маданий алоқалар мавжуд бўлган ва мунтазам ривожланган. Юртингиз XVI асрдан эътиборан бутун турк дунёсини маданий жиҳатдан бирлаштириб турган эски ўзбек тили маданиятининг асосий меросхўридир. У шўро даврига қадар минтақанинг цивилизация, жумладан, тил, адабиёт, санъат жиҳатидан маданий маркази эди. Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий каби буюк муҳаддислар ватани ҳам айнан Ўзбекистондир. Амир Темур ва темурийлар давридаги муҳташам маданият ва адабиёт дунёнинг энг буюк шоири — Алишер Навоийни адабиёт саҳнига чиқарди, унинг йўлидан кетган юзлаб шоирлар туркий тилда гўзал адабиёт бўстонини яратдилар. Амир Темур ва темурийлар цивилизациясининг яна бир улкан маҳсули Улуғбек яратган табиий ва аниқ фанлар академияси, Бухоро, Ғиждувон ва Самарқанддаги уч буюк мадраса ва расадхона эди. Бу адабиёт, санъат, тил ва илму фандан бутун мусулмон дунёси, шу жумладан, Анадўлидаги турклар ҳам фойдаланди.

Ана шу умумий тил, маданият ва тарих бугунги кундаги сиёсий, иқтисодий, илм-фан, таълим, маданий соҳалардаги ҳамкорлигимизнинг тамал тоши ҳисобланади. Бинобарин, туркий тилли давлатлар ўртасидаги алоқаларда ғарбда Туркия, шарқда Ўзбекистон асосий рол ўйнаши табиий. Бу икки ўлканинг тарихий тажрибаси алоқаларни янада ривожлантиришда қўл келади. Шу нуқтаи назардан, Президентингизнинг ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларга янги суръат бахш этди.

Бу борада қўйилган залворли қадамлар илм-фан соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиради. Турк ва ўзбек университетлари ўртасидаги талаба ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, университетларимизнинг ҳамкорликда илмий лойиҳаларни амалга ошириши фан тараққиётига улкан ҳисса қўшади.

**Фаррух ҲАМРОЕВ тайёрлади.**

Анадўли ва Туркистон ўртасида «тил бир кўприк, умумий тарих ва маданият бир кўприк»

---

### Янги қонун лойиҳалари муҳокамада

**26 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини сифат жиҳатидан ислоҳ этишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқишди. Хусусан, «Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг янги таҳрири ҳамда «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди.**

## МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР: ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ НИМАГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

Ундан аввал Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида депутатлар ушбу қонун лойиҳаларини кенг таҳлил этиб, ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Уларда қандай янги ҳуқуқий меъёрлар белгиланяпти?

Биламизки, Савдо-саноат палатаси алоҳида қонун билан тартибга солинадиган тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи ягона нодавлат нотижорат ташкилотидир. Бугун тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар замонавий ёндашувлар ҳамда илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш зарuratини юзага келтирди.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларини самарали ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди.

— Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга,— дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов.** — Қонун лойиҳасида Савдо-саноат палатасининг мақомини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Савдо-саноат палатасига қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш юзасидан жамоатчилик мониторингини ўтказиш ваколати берилмоқда.

— Қонунчиликда халқаро шартномалар ва ташқи савдо шартномаларини бажаришда форс-мажор ҳолатларини тасдиқлаш тартиби белгиланган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аваз Ўринбоев.** — Лекин ички шартномаларни ижро этишда форс-мажор ҳолатларини тасдиқлаш тартиби қонунчиликда назарда тутилмагани, тадбиркорларга ноқулайлик туғдирмоқда. Шунинг учун Савдо-саноат палатасига бу масалада ваколатлар берилмоқда.

Умуман, қонун лойиҳасида назарда тутилган меъёрлар давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатларнинг жадал ривожланиши, давлат органларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари билан конструктив алоқалари мустаҳкамланишига хизмат қилади. Ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ҳуқуқий асос шакллантирилади.

— «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси давлат бошқаруви тизимини ислоҳ этиш, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини самарали ташкил этишда катта аҳамиятга эга, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова.** — Қонун лойиҳасида маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибини белгиловчи нормалар тизимлаштирилиб, бирхиллаштирилган. Шунингдек, соҳада ягона стандартларни ишлаб чиқиш, қонун ҳужжатларидаги камчиликлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш, давлат органларининг фуқаролар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишни назарда тутади.

Лойиҳада маъмурий ишларни кўриб чиқиш, улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилишнинг аниқ тартиби, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас, деб топиш асосларини белгилаш таклиф этилмоқда.

— Маъмурий тартиб-таомиллар кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Бу борада ягона стандартлари мавжуд эмаслиги англашилмовчиликларни келтириб чиқаряпти, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Турсунбоев.** — Давлат органларида маъмурий амалиётни тушуниш, унинг тартибини белгилаш масаласида ҳам турли хил ёндашув мавжуд. Ушбу ҳолатлар махсус қонун қабул қилиш зарурлигини кўрсатади.

Қонун лойиҳасида маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишнинг ягона тартибини жорий қилиш белгиланяпти. Ягона стандартларнинг жорий этилиши натижасида давлат хизматида ўзбошимчалик, суиистеъмол қилиш, коррупция ва бошқа салбий ҳолатлар сезиларли даражада камаяди.

**Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

### ЎзХДП ташаббуси билан

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда хотин-қизлар қўмиталари ҳамда сиёсий партиялар ҳамкорлигининг аҳамияти» мавзусида семинар ўтказди.

Унда партия сафидаги хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий билимини ошириш масалалари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Конституциямизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бу давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий билимини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди **Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Дилором Қўзиева.** — 1995 йилда мамлакатимизда БМТнинг «Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияси ратификация қилинган.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни доимий ташаббускорликка ундаш ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас, албатта. Бунинг учун биз партия ташкилотлари билан ҳар доим тажриба алмашиб туришимиз керак.

— Партиямиз Дастурида хотин-қизларнинг оилада ва жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш бўйича қатор вазифалар белгиланган, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Нилуфар Юлдашева.** — Уларни бажариш учун опа-сингилларимизни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларимиз ваколати ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, ҳамкор ташкилотлар билан ижтимоий шерикчилик асосидаги муносабатларни ривожлантириш зарур.

Семинарда хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилишга оид масалалар, уларни бартараф этиш йўллари атрофлича таҳлил этилди.

**Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Жаннат Исмоилова, юридик фанлар доктори, профессор Гулчеҳра Тўлаганова, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Жумагул Бўронова** сўзга чиқиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Семинарда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# КОИНОТДА БЎЛГАН ЎЗБЕК ГАЗЕТАСИ

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғлиқ хотиралар унинг замондошлари томонидан кўп ёритилган, бугун ҳам катта эҳтиром билан ёритилмоқда. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, меҳнат фахрийси Миршароф Муҳсимов узоқ йиллар таҳририятимизда бўлим мудири бўлиб ишлаган. У Шароф Рашидов номи билан боғлиқ, аммо кўпчиликка маълум бўлмаган бир воқеани шундай ҳикоя қилади:

– Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида инсоният тарихида биринчи марта фазога парвоз қилган «Союз-Аполлон» халқаро кемалар туташтирилишига ҳозирлик кўрилаётган бир паллада Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир тарихий ишнинг ташаббускори бўлди. У киши «Ўзбекистон овози» (ўша пайтдаги «Совет Ўзбекистони») газетасини «Союз-19» кемасида самога «парвози»ни уюштиришга эришган эди. Бунга қандай рухсат олингани, ким билан келишилганини билмадим-у, аммо отахон газетамизнинг 1975 йил, 13 июль (№163) сони космосда бўлиб қайтгани ҳақиқат.

Тасаввур қилинг, газетани фазогирлар кемасида учириш учун давлат комиссияси раиси, бош конструктор, шу соҳага тегишли ташкилот-муассасалар раҳбарларининг розиликлари-ю рухсатларини олиш албатта осон кечмагандир?..

Газетани Бойқўнғир космодромига, фазогирлар қўлига етказиб берилишига ҳам кимлардир масъул бўлган, албатта. Ва шу тариқа у фазога олиб чиқиш учун махсус рухсатнома асосида кема учувчилари – Алексей Леонов ва Валерий Кубасовга топширилади.

«Союз» ва «Аполлон» кемаларининг биргаликдаги учиши фан ва техника соҳасида космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш йўлидаги ҳар икки мамлакат ҳамкорлигининг муҳим босқичларидан бири эди.

Ўшанда ер куррасидаги миллион-миллион кишилар телевизор экранларидан биринчи халқаро космик парвозни кузатишганди. Ўшалар қаторида ўзбекистонлик томошабинлар ҳам бу тарихий воқеани кузатганди. Лекин «Союз» кемаси ичида ўзбек газетаси борлиги уларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди.




Биргаликдаги учиш 1975 йилнинг 15 июль Гринвич вақти билан соат 12 дан 20 дақиқа ўтганида (Тошкент вақти билан 18 дан 20 дақиқа ўтганида) бошланди, «Союз»нинг парвози олти кунга, «Аполлон»ники 9 кунга мўлжалланган эди.

Энг ҳаяжонли дақиқалар бошланди, «Союз» фазога кўтарилди. Ўша дақиқаларда Шароф Рашидовнинг кўнглидан нималар кечганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бир пайтлар ўзи Бош муҳаррир бўлган, мамлакатимизнинг етакчи газетаси космосга учаётгани у кишини ҳаяжонга солгани, қувонтиргани табиий, албатта.

Ёдимда, халқаро кемалар Қрим ярим ороли устидан учиб ўтаётганда туташтирилди. Икки мамлакат фазогирлари бир-бирларини қутлаб, кема ичига жойлашишди...

«Союз» парвози муваффақиятли якунлангач, «биринчи фазогир газета» шахсан Шароф Рашидовга топширилади. Космонавтлар Алексей Леонов ва Валерий Кубасов газетанинг биринчи саҳифасига дастхат ёзиб қолдиришган эди: **КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, Ўзбекистон КП МК Биринчи секретари, Социалистик меҳнат қаҳрамони Ш.Р.Рашидовга!**

**Ҳурматли Шароф Рашидович!**

**Сизга ва Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида янгидан-янги ютуқлар тилаймиз!**

**«Союз-19» кемаси борти, 15.07.75.**

Газетанинг тепасига эса: **«Газета фазода бўлди»,** – деб ёзиб қўйилган эди. Негадир бу воқеа овоза қилинмади, лекин ўша пайтда газета таҳририятида ишлаган журналистлар буни яхши эслайдилар. Газетамизнинг ўша пайтдаги Бош муҳаррири Мақсуд ака Қориев газетамизнинг ушбу тарихий сонини ҳаяжон билан таҳририятимизга олиб келган эди.

Биз отахон газетада ишлаган журналистлар ўша воқеани ҳанузгача фахрланиб эслаймиз. Ушбу мақолани ёзишдан мақсад — бугунги ҳамкасбларимизни ҳам ўша воқеалардан хабардор қилиш ва, албатта, Шароф Рашидовдек буюк инсоннинг матбуотга эътибори қанчалик юксак бўлганини ушбу мисол орқали айтиш эди. Аслида журналистлар меҳнатини қадрлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш борасида Шароф Рашидов фаолиятидан исталганча мисол келтириш мумкин.

Тадбир

**Яқинда Чирчиқ давлат педагогика институтида талабаликка бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда институтнинг педагогик жамоаси ва талабалари, қатор олий таълим даргоҳлари профессор-ўқитувчилари, Тошкент вилоятидаги таълим муассасалари, жамоат бирлашмалари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирок этишди.**

## ЯНГИ ИНСТИТУТНИНГ БИРИНЧИ ТАЛАБАЛАРИ

Тадбирда мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Тошкент вилояти халқ таълими тизимида педагог кадрларни тайёрлаш соҳасидаги истиқболли лойиҳалар хусусида сўз юритилди.

— Президентимиз қарори асосида Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилгани қанчалик тўғри иш бўлганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, — деди **Ўзбекистон Миллий университети ректори Аваҳжон Марахимов.** — Куни кеча турли ўқув юртларида тест синовларидан етарли балл ололмай кайфияти тушиб кетган ёшлар мана шу институт ташкил этилгани туфайли талабалик бахтига эришди. Қисқа фурсатда, унинг фаолиятини йўлга қўйиш албатта осон эмас. Лекин мен бугун институтда катта кўламдаги ишлар амалга оширилганини кўриб ҳайратландим. Яна бир муҳим гапни айтмасам бўлмайди. Очиғи, институт талаба-ёшларининг ўзаро аҳил-иноқлиги, уларнинг бир-бирига бўлган самимий муносабатини катта бир оила ҳаётига қиёсладим. Бу даргоҳда юқори малакали педагог кадрлар тайёрланишига, таълим сифати эса халқаро стандартлар даражасига кўтарилишига ишонаман.

Тадбирда сўзга чиққан **институт ректори Ғафуржон Муҳамедов** талабаларни янги ўқув йили билан табриклаб, уларга рамзий калит, синов дафтарчаси ва талабалик гувоҳномаларини топширди.

Шундан сўнг Чирчиқ давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармасининг ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

— Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу институт вилоятимизнинг энг катта муаммоларидан бирини ҳал қилди, — дейди **Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Номоз Рўзиқулов.** — Очиғи биз кадрлар масаласида жуда қийналиб қолгандик. Бугунги кунда вилоят халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган 1348 таълим муассасасида 7000 нафардан зиёд ўрта-махсус маълумотга эга кадрлар меҳнат қилиб келаётганди. Бу эса юқори даражадаги сифатли таълим бериш жараёнига ўз таъсирини кўрсатаётганди. Энди янги ташкил этилган Чирчиқ давлат педагогика институти вилоятнинг халқ таълими тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш баробарида таълим жараёнларини юқори даражада сифатли олиб борилишига хизмат қилади.

Тадбирда 1 октябрь — «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» муносабати билан талабалар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари ғолиблари тақдирланди. Шунингдек, талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Эълон

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**«Ўзбекистон овози» газетасининг 2017 йил 21 январь, 10-сонидаги эълонда берилган Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси балансидаги қуйидаги автомототранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2017 йил 25 октябрдаги 1/11-2213-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади:**

| № | Русуми | Давлат рақами | № | Русуми | Давлат рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «УАЗ-31512» | 01/286QAA | 6 | «ГАЗ-311000» | 01/093TBA |
| 2 | «УАЗ-31512» | 11AE740 | 7 | Бульдозер Т-170 | Рақамсиз |
| 3 | «ГАЗ-270500» | 10/526UAA | 8 | Трейлер 2 ПП-40 | Рақамсиз |
| 4 | «ГАЗ-66» | Рақамсиз | 9 | «ГАЗ-5312» (Кубань) | 11AX379 |
| 5 | «ГАЗ-2410» | 10/522SAA | 10 | Трактор Т-16 | Рақамсиз |

**Гувоҳнома № 005357**

Реклама

**Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» сообщает:**

30 ноября 2017 года в 15.00 по адресу город Нукус, ул. Амир Темура, дом 122а проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

Автотранспортное средство принадлежащее МП ООО «Темирйўлсуғурта» Республики Каракалпакстан: автомашина марки «Матиз», 2009 года выпуска, гос.номер 01/171 ЕАА. Начальная цена 9 833 356 сум.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 29 ноября 2017 года в 18:00. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970980001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г.Нукус. ул.Амир Темура, дом 122а. Телефон для справок: (0-361) 222-55-84.

Свидетельство 006388-11.

Реклама

**ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»**
**ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:**



- ► Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ► Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ► Ямобуры.
- ► Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ► Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

| БУГУН | Об-ҳаво маълумоти (°С) |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +27/+14 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +32/+18 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | +32/+18 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари | +33/+18 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари | +28/+10 |
| Тошкент шаҳри | +32/+18 |

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши Ўзбекистон ХДП фахрий аъзоси, «Шуҳрат» медали соҳиби **Собиржон САИДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1038
8881 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t – Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:20
Topshirilgan vaqti — 00:45
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5